

Oriental Journal of Philology**ORIENTAL JOURNAL OF PHILOLOGY**

journal homepage:

<http://www.supportscience.uz/index.php/ojp/about>**MODERN ARABIC LANGUAGE: CHANGES AND ADAPTATIONS*****Shavkat I. Aripov****Associate Professor, Candidate of Political Sciences**Department of Arabic Studies**Tashkent State University of Oriental Studies**Tashkent, Uzbekistan***ABOUT ARTICLE**

Key words: Competition, social network, Arabic, Facebook, internet language, invent, hybrid language, threats, Persian Gulf, Google Translate, Twitter, WhatsApp, website.

Received: 08.05.26**Accepted:** 09.05.26**Published:** 10.05.26

Abstract: This article discusses the modern Arabic language, its development in the era of globalization, the increasing competition around it, the hybrid language formed as a result of mixing English words and terms with Arabic words and its threat to the future of the Arabic language, and the work being done to restore the original Arabic language.

ЗАМОНАВИЙ АРАБ ТИЛИ: ЎЗГАРИШЛАР ВА МОСЛАШУВЛАР***Шавкат И. Арипов****Доцент, сиёсий фанлар номзоди**Арабишунослик олий мактаби**Тошкент давлат шарқишунослик университети**Тошкент, Ўзбекистон***МАҚОЛА ҲАҚИДА**

Калит сўзлар: рақобат, ижтимоий тармоқ, арабизи, Facebook, интернет тили, ихтиро қилмоқ, гибрид тил, таҳдидлар, Форс кўрфази, Google Translate, Twitter, WhatsApp, веб-сайт.

Аннотация: Ушбу мақолада замонавий араб тили, глобаллашув даврида унинг ривожланиши, унинг атрофида рақобат кучаяётганлиги, инглизча сўз ва атамаларни араб сўзлари билан аралаштириши натижасида ҳосил бўлган гибрид тили ва унинг араб тили келажагига таҳдид солаётганлиги, асл араб тилини қайта тиклаш учун олиб борилаётган ишлар ҳақида сўз боради.

СОВРЕМЕННЫЙ АРАБСКИЙ ЯЗЫК: ИЗМЕНЕНИЯ И АДАПТАЦИИ***Шавкат И. Арипов****Доцент, кандидат политических наук*

*Высшая школа арабистики
Ташкентский государственный университет востоковедения
Ташкент, Узбекистан*

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: конкуренция, социальные сети, арабизи, Facebook, интернет-язык, изобретать, гибридный язык, угрозы, Персидский залив, Google Translate, Twitter, WhatsApp, веб-сайт.

Аннотация: В данной статье рассматривается современный арабский язык, его развитие в эпоху глобализации, усиление конкуренции вокруг него, формирование гибридного языка в результате смешения английских слов и терминов с арабскими, а также то, как это представляет угрозу будущему арабского языка. Также речь идет о мерах, предпринимаемых для восстановления подлинного арабского языка.

Кириш. Араб тили сайёрадаги энг буюк тиллардан биридир. Ҳозирда араб тили ер юзидаги 500 миллионга яқин инсонлар учун она тили ва икки миллиардга яқин мусулмонларнинг ҳалқаро сўзлашув тили ҳисобланади. Араб тили дунёдаги 22 та араб давлатининг расмий тили бўлиб, улар шу тилда гаплашади. Қолаверса, араб тили ҳозирда олтига жаҳон тилларининг бири ҳисобланади. Араб тилининг тарихдаги ўрни бекиёс. Араблар ўз тили билан фахрланадилар, ўз тилига араблардан кўра боғланган халқ йўқ. Қадим замонлардан бери улар унга ақл бовар қилмайдиган ҳурмат билан муносабатда бўлиб, маънонинг барча нозик томонларини ифодалашга имкон берадиган лингвистик воситаларнинг бойлигига қойил қолишган. Бу яқин ўтмишда араб тилига берилган тавсиф эди.

Бугун эса араб тили глобаллашув даврида яшаб, унинг атрофида рақобат кучайган ва унинг яшаб қолишига техника тили катта таҳдид солмоқда.

Дунё ҳамжамиятида, шу жумладан, араб мамлакатларида ижтимоий тармоқлар чекка-чеккадаги барча нарсаларга жиддий таъсир кўрсатмоқда ва инсон ҳаётини етарли даражада ўзгартиришда давом этмоқда. Бироқ шу кунларда арабшунос мутахассислар яқин вақтлар ичида пайдо бўлган ва араб тилига хос бўлган ҳодисанинг гувоҳи бўлмоқда. Бу ҳодисани доктор Маҳмуд Ал-Саид ва бошқа тадқиқотчилар "Арабизи" деб атаганлар. Баъзилар буни франко-арабча деб атаса, бошқалар уни Facebook тили деб таърифламоқдалар. Бу бир неча йил олдин пайдо бўлган норасмий тил бўлиб, ёшлар томонидан веб-сайтлар ёки ижтимоий тармоқларда суҳбатлашиш учун фойдаланилади. Лотин ҳарфларини рақамлар билан аралаштириб юборилган. Бу араб ва инглиз тиллари ўртасидаги гибридна тил бўлиб, унинг қоидалари ҳозиргача тўлиқ аниқланмаган .

Энциклопедияда унинг келиб чиқиши ҳақида шундай дейилган: “Баъзилар унинг келиб чиқишини янги минг йилликнинг бошига KRS каби интернет чат тармоқлари орқали лотин алфавитига ихтисослашган, кўплаб арабларни лотин ҳарфларидан фойдаланишга мажбур қилган тезкор маълумот алмашиш тармоқларига боғлашади.” Ушбу чат тармоқлари араб мамлакатларида мобил телефонлар ва қисқа хабарлар пайдо бўлишидан олдин пайдо бўлган, чунки арабча ҳарфлар интернетга уланган қурилмаларда мавжуд эмас эди.

Мазкур тармоқлардан фойдаланиш араб талабалари орасида телефон кўнғироқларидан кўра тежамкорроқ бўлган мулоқот воситаси сифатида кенг тарқалди. Араблар лотин ёзувидан фойдаланиш имкониятига эга эдилар, чунки уларнинг паспортларида ўз исмларини араб ва лотин тилларида ёзиш йўлга қўйилган эди. Бирок, бу турдаги алифбони тарқалишининг асосий сабаби араб минтақасида уяли алоқанинг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлиб, қисқа хабарлар хизмати (СМС) лотин алифбосига арабчага караганда бир хабарда кўпроқ ҳарфларни ўз ичига олиш имконини берарди, бу эса инглиз тилида сўзлашмайдиган баъзи одамларни араб тили шаклидаги лотин ҳарфларида ёзишга ундайди. У фойдаланувчилар орасида тез тарқалди, чунки у энг кўп ҳарфларни қамраб олди ва лотин алифбосидан фойдаланишга ўрганиб қолган фойдаланувчилар томонидан ҳам афзал кўрилди, шу билан бирга, у араб алифбосига мослашмаган баъзи қурилмалар муаммосини ҳам ҳал қилган эди.

Аммо айрим араб филолог олимларига кўра бу ўн тўққизинчи асрга бориб тақалган бўлиши мумкин, чунки ўша вақтларда араб мамлакатларида, хусусан, Мисрда ёзувни лотин ҳарфларида ва сўзлашув тилида ёзишга чақириқлар бўлган эди. Ушбу даъватчилар орасида немис шарқшунос олими Спита ва инглиз олими Вилкокслар ҳам бор эдилар, улар сўзлашув шеvasи ва лотин ҳарфларида ёзиш мисрликларда ихтирочилик салоҳиятини ривожлантиради, деб таъкидлаган эдилар. Албатта, ўша пайтда улар араблар орасидан Аҳмад Лутфий ас-Саййид, Салама Мусо ва Абдел Азиз Фаҳмий каби тарафдорларини топдилар. Юқоридаги сабабларга қўшимча равишда, мамлакатда араб тилига лисоний аралаштириш, уни турклаштиришга, французлаштиришга уринишлар мавжуд бўлиб, баъзи сўзлар ханузгача арабча билан бирга қўлланилиб келинади.

Буларнинг барчаси замонавий алоқа воситаларининг пайдо бўлиши, технология соҳасидаги катта янгилик (компьютерлар ва ноутбуклар)лар ва ижтимоий алоқа воситаларининг кейинги ҳосилаларининг дунё юзини кўриши билан боғлиқдир. Тадқиқотчи Робия ал-Хатиб эса, бу тилнинг зарарланишини қоралаб, шундай ёзганди:

“ Facebook, WhatsApp ва бошқа сайтлардаги кўплаб дўстларим мен билан ғалати, ғалати тилда гаплашишади, бу арабча, лекин инглизчага ўхшайди. Улар буни интернет тили деб аташади. Мен буни ким ихтиро қилганини ва арабизи - арабча сўзларни инглизча

харфлар билан ёзиш санъати қаердан пайдо бўлганини билмоқчи эдим. Тадқиқотларим ва ўқишларим натижасида билдимки, бу ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларининг ўрталарида мобил алоқа воситалари ва интернетнинг кенг тарқала бошлаганига тўғри келади.”

Хақиқатан ҳам мобил қурилмалар ва компьютерларда мавжуд бўлган тиллар лотин ёзуви билан чекланган ва бу қурилмаларда араб тили деярли йўқ эди. Шунга қарамай араб фойдаланувчиси бошқаларга тушунарли бўлган мулоқот усулини ўйлаб топади. Бунда улар фақат лотин ҳарфлари билан чекланиб қолмай, балки баъзи инглиз тилида мавжуд бўлмаган ҳарфларни рақамлар билан алмаштиришган, масалан, الخاء ҳарфини 5 рақами билан ва шу каби (2:A), (3: (5:خ),)غ:8), (ح:7), (ط:6(алмаштирадидлар. Шундай қилиб, арабизи араб ёшлари орасида кенг тарқалди. Ўша даврда ушбу ёзиш усули бўйича кўплаб фойдаланувчилар орасида фойдаланиш сабаблари ҳақида сўровнома ўтказилганда хилма-хил жавоблар олинган эди. Жумладан, улардан баъзилари оила аъзоларининг дўстларига ёзган хабарларини тушунмасликлари учун унга ёзишларини айтишди. Бошқалари эса араб тилини яхши билмасликлари сабабли уларни масхара қилмасликлари учун ёзамиз, дейишди. Араблар бу тилни яратилганидан бери ишлатиб келмоқдалар, чунки технологик тараққиёт ҳали ўзининг тўлиқ салоҳиятига эришмаган, яъни улар ишлатган қурилмаларда ҳамма тиллар ҳам мавжуд эмас эди. Кўпгина ўқитувчи-зиёлилар бу ҳодисадан шикоят қилардилар: “Қандай қилиб бизда шундай муқаддас тилни Қудратли Аллоҳнинг Китобида топиб, кейин уни Аллоҳ яратмаган тарзда ёзишни ҳеч тушунмаяпмиз. Ҳатто Google ва бошқа компаниялар ҳам уни қўллаб-қувватлай бошладилар. Биз эса уни Аллоҳ яратганидан бошқа шаклда ёзаяпмиз”.

Тадқиқотчи Робия ал-Хатиб араб тилини бу каби қоришиб кетишидан жиддий норозилигини ифода этади: “Кимдир кидирув тизимига кирса ва уни терса, арабча ёзишга ҳожат қолмайди. У сўраган нарса дарҳол пайдо бўлади. Лекин бу нима дегани? Ахир шоирлар қуйлаган “дод” тили қаерда қолди. Уни ўрганган кўплаб олимлар бу тил қадим замонлардан, яъни жоҳилият даври ва ислом пайдо бўлишидан олдин мавжуд бўлганлигини, Одам алайҳиссалом жаннатда шу тилда сўзлашганини таъкидлаган эдилар. Демак, у қадим замонлардан, яъни Ерда инсон ҳаёти туғилишидан олдин ҳам мавжуд бўлган. Арабизи эса арабча ҳам, инглиз ҳам эмас. Танқидчилар таърифлаганидек, бу иккиси ўртасидаги гибрид тилдир. Кўпчилик дўстларим фақат араб тилида ёзганим учун мени анъанавий деб таърифладилар ва мен уларни араб тилининг келажагига таҳдид солаётган бу гибрид тилдан огоҳлантириб келаман. Арабизини билмаганим учун эмас, балки унда ёзишни қулгили деб билганим учун ёзмайман”.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳозирги кунда кўп сонли араб ёшлари ва янги авлод араб тилини ўрганишда жуда заифлашган. Хорижий давлатлар, жумладан, йирик давлатлар

ўз олий ўқув юртларида араб тилини кенг кўламда ўргатмоқдалар, лекин араб дунёсида эса тилга бўлган муносабат буткул ўзгармоқда.

Мисрлик ёзувчи Яхё Ҳаққий айтганидек: “Ҳа, биз бутун меросимиздан воз кечишимиз мумкин, лекин бир нарса борки, бу ташлаб кетишни қабул қила олмайди, акс ҳолда бизнинг санъатимиз, чиндан ҳам бутун ҳаётимиз барбод бўлади, у ҳам бўлса тилдир. Тил тафаккуримизни шакллантиради ва бизда тилдан бошқа тил йўқ, фақат мумтоз авлоддан мерос бўлиб, уни араб авлодидан авлодларга етказиш бизнинг бурчимиздир. Инглиз тили ўзининг маъноси, талаффузи ва ёзуви бўйича инглиз тили, арабча эса умуман бошқа. Сизлардан ҳеч ким ўз тилида, лекин арабча ҳарфлар билан ёзган инглизни кўрганми?”

Ҳақиқатан ҳам ҳозир араб тили фақат расмий тадбирлар ва нутқларда мавжуд бўлиб қолмоқда. Афсуски, сўнгги йилларда ижтимоий тармоқ сайтларида ёшлар яратган тил шу қадар тарқалдики, улар ўртасидаги мулоқотнинг асосий хусусиятига айланди. Араб тилига бўлаётган турли таҳдидларни олдини олиш учун оммавий ахборот воситалари эътиборини жалб қилиш ва хавфни олдини олишга ҳаракат қилиш учун кўплаб интервью ва ўрганишларни ёритиш керак бўлади. Мазкур масалаларда Форс кўрфази газеталари бу каби ўрганишларни тақдим этишда энг жасоратлилар ҳисобланади, чунки бу ҳодиса деярли Форс кўрфази давлатларида илдиз отган. Бу масалани кузатиб борган газеталар орасида сўровлар ва текширувлар ўтказган “Ан-Набаа” газетаси ҳам манфаатдор томонлар ва тарафдорларнинг катта танловини тўплади. Хуссам Муҳаммад, доктор Аднан Бу Мтиа назорати остида тайёрланган ва Баҳрайннинг “Ан-Набаа” газетасида “Арабизи - ижтимоий тармоқлар тили араб тили тахтига таҳдид солади..!” сарлавҳа остида танқидий ўрганиш чоп этилади. Бироқ, сўнгги пайтларда ғашга тегаётгани глобал таржима сайтларининг бу тилга бўйсинаётганлигидир. Бу шуни ифода этадики, масалан, “Google Translate”да бирор сўзнинг маъноси қидирилса, лотин ҳарфларида ёзилган арабча сўз чиқиб келишидан ҳайратда қолиналади.

Ҳозирги араб ёшлари ўзларини бу тилга бўлган қарамликларини тилнинг оммалашиб кетгани, ижтимоий тармоқларда кенг қўлланилаётгани ва китобхонлар учун тушунарли эканлиги билан оқламоқда. Улар, шунингдек, кўплаб компьютер операцион тизимлари ва веб-браузерлар техник ёки географик сабабларга кўра араб тилидан фойдаланишни қўлаб-қувватламайди, деб даъво қилмоқда.

Араблар учун бу ғалати сўзнинг келиб чиқишига келсак, бу сўз араб доираларида, айниқса, технология, кибермакон, рақамли технологиялар ва смартфонларнинг жадал ривожланиши шароитида кенг қўлланилмоқда. Дарҳақиқат, инглизча сўз ва атамаларни араб сўзлари билан аралаштириб ҳосил қилган ғайритабиий гибрид тили пайдо бўлди. Одамлар уни ижтимоий тармоқларда алмашадилар: “Facebook”, “Twitter” ва

“WhatsApp”дан фойдаланиш араб ёки инглиз тилидан осонроқ деган баҳона билан. Гап шундаки, сиз мени тушунсангиз, сизга ҳеч нарсани тушунтиришим шарт эмас, дейишяпти.

Араб зиёлилари фарзандларининг бу авлоди қандай азоб-укубатларга дучор бўлишини тасаввур қилишни бот-бот ёдга соладилар, яъни уларнинг ўз тилидан бегоналашиши ва ўзлиги ва мансублигининг ўчирилиши ҳамда уларнинг инглиз тилидан узоқлиги, лекин бу тилни замонавий даврда ўзлаштирилиши керак бўлиши, чунки инглиз тилини билмайдиганлар учун келажакда иш бўлмаслиги мумкин.

Аммо аксарият зиёлилар инглиз тилини ўрганишга мутлақо қарши эмаслар, лекин уни имкониятлари даражасида ўзлаштиришлари зарурлиги, уни ўз тамойиллари асосида ўрганилиши, она тили бўлмиш араб тилига зарар етказувчи интеграция ва дурагайлардан узоқда бўлиши кераклиги, Аллоҳ бу халқни шу тил билан улуғлаган ва бу тил миллатнинг яшаши, ўзлиги ва мансублигининг асосларидан бири эканлигини доимо ёдда сақлаш шарт эканлигини такрорлайдилар. Ҳақиқатан ҳам инглиз тилини ўрганишга иштиёқи бор бошқа халқларни кўрсак бу халқлар ўз она тилини менсимай, ўрнига инглиз тилини қўймаганликларини кўриш мумкин. Масалан, ҳиндларнинг иш жойида ва ижтимоий вазиятларда инглиз тилида гаплашишларини ва Ҳиндистон бўйлаб қўллаб диалектларга бўлинганига қарамай, улар ўз она тилларида (ҳиндий тилида) мулоқот қилишларини барчамиз кўрганмиз.

Ушбу гибрид тил мобил смартфонлардаги чатлар ва машҳур мулоқот дастурларида осонгина тарқалди. Қолаверса, Фарбдаги араб талабалари бу тилларда она тилида сўзлашувчилар билан доимий мулоқотда бўлганидан кўп сўзларни танлаб олишга уриниб кўрдилар ва улар икки тилни моҳирлик ва маҳорат билан уйғунлаштиришга муваффақ бўлдилар. Уларнинг бунга кўникиш кераклиги ҳақидаги далилларига келсак, бу шубҳасиз рад этилади. Бу одамлар ўзлари яшаётган давлат фуқаролари билан шу тилда гаплашадими? Йўқ, улар улар билан фақат ўз она тилларида гаплашадилар, хоҳ у инглиз, француз, немис ва ҳоказо бўлсин.

Аслида, араб тили бой ва улуғвор тил бўлиб, сўзлашувчиларнинг барча эҳтиёжларини қондириш учун катта луғатга эга. Кейинги авлод қайси тарафни қўллаб-қувватлашини билмай, аросатда қолмоқда. Инглизча гапириб, арабчани менсимай, бегонага айланиб қоладими ёки арабча гапириб, инглиз тилини менсимай ишсиз қоладими?

Ҳозирги кунда араб халқи зиёлилар, ўқитувчилар, оммавий ахборот воситалари, газета-журнал ва веб-сайтларнинг олдида жуда муҳим долзарб вазифаси илгари сурмоқда. У ҳам бўлса – халқ ўзлигини йўқотиб қўймаслиги, фарзандларини ўзларидан узоқлашиб кетмаслиги учун бу ҳодисага қатъий қарши туриш зарурлигини такрорлаб келмоқда. Бу каби муоммоларни зоҳир бўлишига қисман араб тили академиялари ҳам айбдор, деб

ҳисобланмоқда, чунки улар араблаштириш ҳаракатини кучайтириб, сўзларни ўзининг асл арабча талаффузига мос келадиган сўзлар билан алмаштириб, муқобил йўл топишга ҳаракат қилмаганлар. Араб тили жуда бой эканлигига шубҳа йўқ ва халқ унинг луғат бойлигининг озгина қисмидан фойдаланади, халос.

Ибн Халдун шундай деган эди: “Бир миллат тилининг мустаҳкамлиги ўша халқнинг бошқа халқлар орасида ўз вазифасини бажаришда давомийлигини билдиради, чунки тилнинг устунлиги ўз халқининг устунлиги билан боғлиқ, тиллар орасидаги мавқеи эса бошқа халқлар орасидаги давлат мавқеини кўрсатади”.

Ўтмишда европалик талабалар араб тилини ўрганганликлари ва йиғилишларида шу тилда гапирганликлари билан мақтанардилар, чунки араб халқи кучли, куч ҳамиша ғалаба қозонади, деган фикрда эдилар. Бироқ, бугунги кунда ҳамма нарса бошқача. Илк бор араб тилида заифлик пайдо бўлганида, бу тил замонга мос эмас, деган баҳона билан ўзга халқларнинг орқасидан нафас олмаган ҳолда югуришганлиги бу айна ҳақиқат.

Бугунги кунда инглиз тилининг кучлилиги, биринчи навбатда, Америка Қўшма Штатларининг қудрати ва унинг ҳарбий, иқтисодий ва сиёсий устунлиги билан боғлиқ. Ҳеч ким араб тилида сўзлашувчилар кўпроқ ва шунинг учун у дунёда ҳукмронлик қилмоқда, деб даъво қилмайди. Акс ҳолда Хитой бу йўналишда етакчи бўларди.

Тарихий тадқиқотлар араб тили беш босқични босиб ўтганлигини, ҳар бир босқич бошқасидан фарқли эканлигини кўрсатади. Ҳозирги “Бешинчи арабча” босқичи араб тили қоидаларини сақлайдиган тил деб таърифлаш мумкин, унинг арабча луғат бойлиги эса анча кам, сўзлари ҳамма учун, ҳатто оддий одам учун ҳам осон ва тушунарли, лекин сўзлашув шеваларидан юқори туради. Энг кўзга кўринган хусусияти шундаки, унинг катта қисми замонавий цивилизацияга мослашиш учун инглиз тили асосига қурилган. Араб тилида бу цивилизациянинг қирраларини қамраб олувчи сўзлар мавжуд эмасди. Шунингдек, улар инглизча маъно ва қоидаларни кенгайтирдилар ва кўчирдилар ва шу тариқа араб тилига, гарчи у илгари ўз қоидаларини қатъий сақлаган бўлса ҳам, мисли кўрилмаган даражада кириб бордилар.

Бешинчи араб тили босқичи замонавий араб тили бўлиб, замонавий давр бошида тилни қайта тиклаш ҳаракати ҳамда Ғарб цивилизациясини олиб келган замонавий Ғарб ишғолларининг маҳсулидир. Кўпчилик филолог олимлар уни гибрид деб атадилар, чунки у ҳар бир Ғарб сўзи ва маъносидан олдин янги сўзни жойлаштиришга уринишида инглиз тилидан кўчирилган эди. Маданий тафовут ва инглиз тилининг ҳаётийлиги араб тилининг бу итоаткор версиясини яратишда ҳал қилувчи рол ўйнади.

Араб тилини қайта тиклаш ҳамма нарсадан кўра диний фарздир. Дунёда ҳеч бир тил араб тили каби бузилмаган, ҳеч бир тил халқи ўз тилининг аҳволига арабларчалик бефарқ

бўлмаган. Араблар ўз тилларини сақлаб қолишда барча халқлар каби бўлишлари, унда барча манфаатдор томонлар бир ёқадан бош чиқариб тилшунослар, зиёлилар, академиклар ва мутахассисларни, шунингдек, араб ҳукуматларини мумтоз араб тилини ҳаётга қайтаришда иштирок этишга, замонавий (бешинчи) тилни қайта кўриб чиқишга, араб тилининг ёрқин қиёфасини тиклайдиган, замон билан ҳамнафас бўла олиш қобилиятини, тилининг ҳақиқийлиги ва улуғворлигидан ташқари, ажнабий таъсирлардан халос бўлишга чақиришлари лозим бўлади. Асосий мақсад асл араб тилини қайта тиклаш бўлиши, чунки у араб халқининг, Қуръони Каримнинг тилидир. Қуръон ёзилган арабча қайтарилмас экан, уни худди шундай тушуниб бўлмаслигини ёддан чиқариш керак эмас.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <https://www.marefa.org/w/index>.
2. <https://www.arabiclanguageic.org/uploads/item>
3. <https://elaph.com/>
4. أثر اللغات الأجنبية على العربية المعاصرة. جامعة الأزهر د. ابو السعود احمد الفخراني.:
5. د. محمد حسن عبد العزيز: لغة الصحافة المعاصرة ص، دار المعارف، ٦٠ م، ١٩٧٨. ٩٨ سلسلة كتابك، إشكالية الحروف الأجنبية في اللغة العربية. جريدة إلكترونية "إيلاف" "حميد الهاشمي 6.:
7. رامي زين الدين "اللغة الثالثة .. سلاح الإعلام لتبسيط العربية أم تشويهاها؟ العين الإخبارية. 2018/12/17.
8. Абдулла бин Хамдан и Амджад бинт Ауда: Современный арабский язык - это иностранный язык с арабскими буквами. "ثمانية" "электрон газета, октябрь 2024г.
9. Арабский язык - происхождение и отличительные особенности," Клуб Носителей Языка", Москва, 2023г.